O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÓZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 31 март, №14 (3552)


## ҲАЁТ ДАЪВАТИ

Ҳаёт тараққиётни тақозо этади. Тараққиёт оқсаган жойда инсон эртанги кунига умид ва орзулар ила боқа оладими? Минг йиллар мобайнида одамларни боқиб, авлодлар камолини таъмин этиб келган она ер қай бир жойларда бугун деҳқонга қанот бўлолмаяпти. Хўш, нега? Ахир ер деҳқон рўзғорини обод этиб, дастурхонини тўкин қилолмаса, мамлакат фаровонлигига фаровонлик қўшмаса, бунга ўша еру замин айбдор эмас-ку?! Бу еру заминга эгалик қилаётган инсон, хусусан, уни фаровонлик учун хизмат қилдириш бурчи бўлган ишбошилар зиммасидаги масъулиятчи? Эл олдидаги, юрт олдидаги, озод Ватан олдидаги ўз бурчини яхши тушунмаган инсоннинг раҳбарлик курсиларини эгаллаб ўтиришига йўл қўйиб бўладими?

Сурхондарё вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида юртбошимиз ана шу ҳақда сўзлаб, бугун ҳар бир фуқаро, ҳар бир ишбоши олдида турган жиддий масалаларга тўхталди. «Бугун замон бизнинг олдимизга қандай масалалар ва талаблар қўймоқда? Биз бу талаб ва вазифаларга жавоб беришга қанчалик қодирмиз? Агарки, шу ҳолатда қолаверсак, эртанги кунимиз қандай бўлади? – деди Президентимиз. – Қанчалик оғир бўлмасин, бугун шу саволлар атрофида очиқчасига гаплашиб олмасак, тегишли хулосалар чиқармасак, эртага кеч бўлиши мумкин».

Келажагимиз учун ниҳоятда катта масъуллик билан ўтган ана шу анжуманда тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммолар, камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Ернинг умрини бекор ўтказаётган, пахта ва ғалла ҳосилдорлигининг кескин камайиб кетишига олиб келган чидаб бўлмас вазиятларга холис баҳо берилди. Мутасадди раҳбарларда мулкка, ерга муносабат ўзгармаётганлиги кескин танқид қилинди. Айрим халқ таълими соҳасида иш олиб бораётган раҳбарлар таълим тараққиёти учун мўлжалланган маблағларга, баъзи почта раҳбарлари эса ҳатто нафақа пулларигача ўмаришни ўзига эп кўрганлиги ҳолларига эътибор қаратилди.

Моддий ва маънавий тараққиёт йўлига ғов бўлиб турган бундай ҳоллар одамларнинг ишонч-эътиқодига раҳна солиши, маънавий муҳитни лойқалантириши мумкин. Мана шунинг учун ҳам ер, сув ва табиий иқлим шароити ҳар жиҳатдан қулай бўлган Сурхондарёдек бетакрор бир воҳада иқтисодий равнақ соҳасида турғунлик келиб чиқди. Иқтисодий ночорлик кўплаб хўжаликларнинг оёғига тушов бўлиб турибди. Улар хўжалик фаолиятидан фойда олиш ўрнига ҳар йили катта зарар кўрмоқдалар, қарзга ботиб қолмоқдалар. «Ахир, бу аҳволда бундай хўжаликларда ишлайдиган, шу ерда яшайдиган одамларнинг тирикчилиги, турмуш шароитини яхшилаш ҳақида гап бўлиши мумкинми? – деб савол қўйди Президент. – Вилоятда раҳбарман, шу юртнинг етакчисиман деб гердайиб юрган кимсалар бу ҳақда ўйлайдими-йўқми?».

Шуни айтиш керакки, юртбошимиз тилга олган камчиликларнинг кўпчилиги фақат Сурхондарё вилоятигагина эмас, бошқа вилоят ва туманларимизга ҳам бевосита дахлдордир. Қаердаки, ишбоши ва раҳбарлар эл манфаатидан ўз манфаатини устун қўйиб, ўзига ишониб топширилган ваколатлардан ўзга мақсадлар йўлида фойдаланишга ружу қўйса, ўша жойда тараққиётнинг йўли тўсилади. Ер ишдан чиқади, техника воситалари талон-торож этилади. Пировард натижада оддий деҳқон ютқизади. Фаровонлик асоси ночорлашади. Мана шунинг учун ҳам юртбошимиз жанубий вилоятимиз мисолида мамлакат тараққиётига ҳалал бераётган жиҳатларни алоҳида кўрсатиб ўтди ва барчанинг диққат-эътиборини бугун биз биринчи навбатда нималарга аҳамият беришимиз зарурлигига қаратди.

Энг катта масала, бу – раҳбар масъулияти. Тараққиётнинг бош замини раҳбарнинг тўғри танланиши ва унинг эл олдидаги бурчини нечоғлик ҳис этишида. Қаердаки, раҳбар эл ишончини совурар экан, фақат ўзининг шаънинигина барбод қилиб қолмайди, бирнинг касри мингга деганларидек, у туфайли одамлар азият чекади, юрт ободлиги орқага кетади.

Бугун мустақил тараққиётнинг ойдин йўлида борар эканмиз, ўзимизга ярашмайдиган, эл ишончига раҳна соладиган бундай ҳолларга ҳамиша ҳушёр ва очиқ кўз билан қарашимиз, уларни маънавий ҳаётимиздан юлқиб ташлашимиз керак. Бу эса осон бўладиган иш эмас. Тараққиёт ўз-ўзидан бўлмайди, у асло осмондан тушмайди. Бунинг учун, юртбошимиз таъкидлаганидек ҳамма, ҳар бир киши уйғоқ виждон билан кураш олиб бориши, элнинг ташвишини ўз ташвиши деб билиши керак. Тараққиётнинг, маънавий камолотнинг асоси шудир.

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**





*Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Бўзсувнинг ҳар икки соҳилида кўркам хиёбон бунёд этилиб, гўзал манзарали дарахтлар ўтқазилди. Ҳозир бу сўлим масканни гулзорлар билан безаш, йўлкалар қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Ёдгорлик мажмуининг асосий иншооти Бўзсув устига қурилган янги кўприк қаршисида қад ростламоқда. Ҳамшаҳарларимиз ҳашарлар уюштириб, қурувчилар ва ободонлантирувчиларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.*

***СУРАТЛАРДА:** ёдгорлик мажмуининг бугунги манзаралари.*

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратлари.**

## САНЪАТЛАР ГУЛТОЖИ

***Баҳорнинг биринчи ойи бу йил байрамларга бой бўлди. Халқаро Театр куни эса март ойининг сўнгги байрами сифатида нафақат театр жамоатчилиги, балки мухлислар орасида ҳам кенг нишонланди. Зеро, театр санъатлар ичида гултож ҳисобланиб, неча-неча асрлардан буён кишиларни яхшиликка чорлаб, саҳна воситасида инсонпарварлик, дўстлик, тенглик, гўзаллик ғояларини тараннум этиб келмоқда.***

***Куни кеча Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида нишонланган навбатдаги Халқаро театр куни юқоридаги фикримизнинг яна бир исботи бўлди. Ана шу байрам муносабати билан «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:***

— Бугун юртимиз эришаётган ютуқлар борасида гап кетар экан, бунда театр санъатининг ҳам ўзига хос ўрни бор эканлиги дилларимизни фахр ва ғурур ҳисларига тўлдиради. Биз театр санъати кишилари Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қад ростлаётган бир замонда яшаётганимиздан, маънавият ва маърифат, шу жумладан, театр санъати соҳасида амалга оширилаётган ишларда озми-кўпми ҳиссамиз борлигидан бахтиёрмиз. Ахир, санъатимизнинг не-не алломалари шу кунларни орзу қилиб, Ватан мустақиллиги йўлида шаҳид бўлмадилар, дейсиз. Бугун ўша ватандошларимиз орзу қилган кунлар келди. Шунинг учун ҳам ҳар ким ўз соҳасида бор қобилиятини, билим ва маҳоратини ишга солиб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб улуш қўшиш учун ҳаракат қилмоқда. Бинобарин, театр санъати ходимлари ҳам бундан мустасно эмаслар.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ўттиздан ошиқ профессионал театрлар ва театр-студиялари жамоалари халқимизнинг маънавий дунёсини, ёшларимизнинг тафаккурини бойитадиган баркамол саҳна асарлари яратиш учун астойдил бел боғлаганлар. Ўзбек миллий театри ҳозирги кунда республикамиз ташқарисида ҳам ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Бинобарин, мустақиллик ўзбек миллий санъатининг жаҳон сари кенг юз тутишига, халқаро фестивалларда ва дунё миқёсидаги турли тадбирларда иштирок этишига катта йўл очиб берди. Театрларимиз жамоалари Франция, Германия, Таиланд, Малайзия, Сингапур, Туркия, АҚШ каби кўплаб давлатларда ўз санъатларини муваффақиятли намойиш этмоқдалар.

Албатта, театр санъати ходимлари олдида ҳали қилинажак ишлар жуда кўп. Хусусан, драматургия, режиссура борасида жиддий изланишлар даври келди. Шунингдек, истеъдодли театр актёрлари ўз имкониятларини кенг очишлари учун яхши-яхши саҳна асарлари зарурлигини ҳаммамиз чуқур ҳис қилиб турибмиз. Шунинг учун ҳам бугунги энг асосий вазифамиз ўзбек миллий театрини жаҳон миқёсига олиб чиқиш йўлида тинимсиз изланиш, янгилик яратиш, жаҳон андозаларига таяниб баркамол асарлар саҳналаштиришдир.

Театр санъатини жаҳон андозаларига мос равишда ривожлантириш ҳамда дунёга танитишда шубҳасиз фестивалларнинг алоҳида ўрни бор. Тошкентда бошланган «Ҳумо» фестивалига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Чунки 26 март

2-бет

## «РУҲОНИЯТ» МУКОФОТИ

*Қутлаймиз!*

**Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг биринчи вице-президенти, атоқли адибимиз Одил Ёқубов Маънавий камолотга кўмаклашувчи халқаро «Руҳоният» ассоциациясининг 1999 йилги мукофоти билан тақдирланди. Бу мукофот маданиятлар қардошлигини мустаҳкамлаш, кўп миллатли минтақа адабиётини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун берилди.**

**Муҳтарам адибимизни юксак эътироф билан самимий муборакбод этамиз.**



## НОН КАБИ ЭЪЗОЗЛИ ВАТАН

Зомин заминида қадимул айёмдан буён ғалла ўстирилади, дон етиштирилади. Бу тупроғда буғдой бошоқлари ҳам бошқачароқ, бўлиқроқми-ей... Меҳнаткаш инсонлари бағри кенг, ҳам танти. Оналарининг тилидан дуо тушмайди, мўйсафидларининг орзу-ниятлари-ю тилаклари мўл. Мустақил Ватанимизнинг сўлим ва обод туманларидан бирига айланиб бораётган Зоминнинг истиқболи, иншооллоҳ, янада нурли. Унинг эли меҳнат қилмоқни яхши кўради. Шу танти элда мўътабар онахонларнинг бир ажиб ва мўътабар туҳфаси қалбимни ғоят ҳаяжонга солди. Кўксим фахру ғурурга тўлди, дилдан юртимга, жонажон Ўзбекистонимга тинчлик-омонлик, бахту фаровонликлар тиладим. Мабодо агар, нонлар музейи бўлганда эди, зоминлик онахонларнинг ушбу наврўзий туҳфалари ўша кошонанинг тўридан жой олган бўларди.

**Табиат инъоми — наврўз эҳсони,**
**Нон каби эъзозлар ўз рамзин юртим.**

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ**

## ТЕАТРЛАР ТАНЛОВИ

Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят театри биносида миллий дорбозлар ва ҳаваскор қўғирчоқ театрларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирда Қарши туман маданият уйи қошидаги «Мўъжизасиз мўъжизалар» цирк гуруҳига 1-ўрин берилди. Ҳаваскор қўғирчоқ театрларнинг чиқишлари ғоятда қизиқарли ўтди. Танловда «Муборак» газни қайта ишлаш корхонаси болалар боғчаси қошидаги ҳаваскорлар қўғирчоқ театри (Х.Даврон асари асосида саҳналаштирилган «Минг фарзанд» спектакли), Қамаши туман Шербўтаев номидаги мактаб ҳаваскорлар қўғирчоқ театри («Тадбиркор улоқча» спектакли), Ғузор туман болалар ва ўсмирлар ижодкорлар маркази қошидаги «Ниҳол» жамоаси («Зумрад ва Қиммат» эртак-спектакли), вилоят кўзи ожизлар жамиятига қарашли интернат-мактаб қошидаги қўғирчоқ театри («Ёрилтош» спектакли) ва Қамаши тумани Улуғбек номидаги 4-меҳрибонлик уйи ҳаваскорлик қўғирчоқ театри («Бўғирсоқ» спектакли) фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

**М.КАРИМОВА**

## НАЗМ ВА НАСР ТАЛҚИНИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг навбатдаги йиғилиши 1999 йилда яратилган шеърий ва насрий асарлар муҳокамасига бағишланди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов ҳозирги адабий жараёнда рўй бераётган ўзгаришлар, ютуқлар ва муаммолар ҳақида сўзлади. Юртбошимизнинг маънавият ва маърифатга, айниқса, адабиётга кўрсатаётган рағбатларини алоҳида таъкидлади.

Насрий, шеърий асарлар, маънавий-маърифий ва ижтимоий-иқтисодий мақолалар бўйича йилнинг энг яхши ижодкори – «Офарин» мукофотига сазовор бўлган Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Усмон Азим, Аҳмаджон Мелибоев ижодий фаолиятлари адабиётнинг ютуғи сифатида баҳоланди.

Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ўтган йили яратилган шеърий асарлар ҳақида сўзлади. Зоминда ўтказилган ёш ижодкорлар семинар-кенгаши эса, ёшлар учун катта адабий сабоқ бўлганини айтди. Оқсоқол шоирларнинг матбуотдаги мунтазам чиқишлари, таниқли шоирлар Матназар Абдулҳаким, Сирожиддин Саййид шеърий туркумларини юқори баҳолади.

Адабиётшунос олим Умарали Норматов 1999 йил насри мавзуида маъруза қилди. Маърузада энг яхши роман, қисса ва ҳикоялар батафсил таҳлил этилди. Саид Аҳмаднинг «Қоракўз Мажнун», Шукур Холмирзаевнинг «Наврўз», Шойим Бўтаевнинг «Шайх» ҳикоялари, Жўра Фозилнинг «Бухоро элчиси», Абдуғани Абдувалиевнинг «Аҳмоқ» қиссалари, Омон Мухторнинг «Майдон», Хайриддин Бегматовнинг «Меҳрибоним, қайдасан» романлари йилнинг энг яхши насрий асарлари сифатида таъкидланди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, таниқли танқидчи Норбой Худойберганов ҳозирги адабий жараён ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда Тоштемир Қаҳрамонов, Ғулом Карим, Алишер Нарзулло, Омина Тожибоева, Муҳайё Мирсаидова, Жақиббек Аяшев, Абдулла Шоносир, Мунаввархон Тилабоева Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндилар. Йиғилишдан сўнг адиблар муборак Наврўз байрамини нишонлаш учун Ёзувчилар уюшмаси ҳовлисига ўтишди. Тўкин дастурхонга баҳорнинг тансиқ таомлари тортилди. Анжуманда ўқилган шеърлар, янграган куй-қўшиқлар барчани хушнуд этди.

**Рустам МУСУРМОН**

## Журналнинг янги сони

## МУХЛИСЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

Халқаро Театр куни арафасида «Театр» журналининг 2000 йилдаги дастлабки сони ўқувчилар қўлига бориб етди. Ҳар галгидек, журналнинг бу сонида ҳам кўплаб ранг-баранг ва қизиқарли мақолалар эълон қилинган.

Журнал мамлакатимиз маданият ходимлари ва санъаткорлари номидан Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги муносабати билан йўлланган қутлов билан очилади. «Биз, санъаткорлар, — дейилади мазкур қутловда, — бундан буён ҳам халқимиз маънавиятини бойитувчи, мустақиллигимизни улуғловчи ва унинг мустаҳкамланишига, замондошларимиз тафаккурида истиқлол ғояларининг шаклланишига хизмат қилувчи баркамол асарлар яратиш иштиёқи билан яшаймиз».

«Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори М. Абдуқундузовнинг «Миллий театр: тараққиёт омиллари», Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет академик Катта театри директори, профессор Бернора Қориеванинг «Санъатнинг зафарли одимлари», «Ўзбекракс» бирлашмаси бош раҳбари Юлдуз Исматованинг «Янги томоша, янгича шукуҳ билан...», «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси раҳбари Анвар Жабборовнинг «Дилбар қўшиқлар ошёни», профессор Мамажон Раҳмоновнинг «Мадҳиядай янграган эди...» сарлавҳали мақолаларини мухлислар қизиқиш билан ўқишлари мумкин. Бундан ташқари, журналда ноёб истеъдод эгаси, севимли қўшиқчимиз Муяссар Раззоқова ижодига кенг ўрин берилган. Журналхонлар ушбу сонда истеъдодли тадқиқотчи олим Шуҳрат Ризаевнинг «Падаркуш»нинг шарофати» мақоласини, Й. Охунбобев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг 70 йиллигига бағишланган тадқиқот-мақолани ҳамда Ғани Аъзамов, Неъмат Дўстхўжаев, Мақсуд Юнусов каби бир қатор санъаткорлар ҳаёти ва ижодига доир лавҳалар билан ҳам танишадилар.

## АДИБНИНГ ТЎЙИ

Мирзо Улуғбек номидаги Миллий дорилфунунда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий анжуман бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов Шукур Холмирзаевнинг ижодий фаолияти, унинг насримиз ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўзлади.

Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев Шукур Холмирзаев насрининг ўзига хос хусусиятлари, адибнинг бадиий маҳорати ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, оқсоқол адиб Матёқуб Қўшжонов, шоирлар Усмон Азим, Азим Суюн Шукур Холмирзаев асарларининг халқчиллиги ва ҳаётийлиги хусусида сўз айтдилар.

Бойсун тумани ҳокими ўринбосари Хидир Чоршанбиев Шукур Холмирзаевни юртдошлари номидан табриклаб, дил сўзларини изҳор этди: «Бойсун тоғларида тошларни ёриб чиқадиган Туғдона деган дарахт ўсади. Мен Шукур акани ана шу дарахтга ўхшатаман».

Миллий дорилфунун талабаси Зиёда Акбарқулова Шукур Холмирзаевга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Анжуман ниҳоясида Шукур Холмирзаев ўзига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун барчага миннатдорчилик билдирди.

**Гавҳар БОЙЖОНОВА**

## КЎЧА НОМЛАРИНИ ТЎҒРИ ЁЗАЙЛИК

*Куюнчак газетхонлардан мактублар*

Кўчаларимизнинг номи янги алифбо асосида қайтадан ёзиб чиқилмоқда. Менинг тушунишимча, бу ишни бирорта ташкилот ёки фирма ходимлари аниқ буюртма асосида бажаришади, шаҳар ҳокимлигининг тегишли бошқармаси ёки бўлими уларга буюртма беради. Демакки, ишни бажарувчи томон буюртмачи берган матн асосида иш кўради.

Албатта, бу ишлар текинга бажарилмайди. Буюртмачи тайёр маҳсулотни қабул қилиб олар экан, унинг сифатига, тўғри ёки нотўғри бажарилганлигига эътибор беради.

Бундай деяётганимнинг боиси шуки, кўпгина кўчаларнинг янги алифбо асосида ёзилган номларида хато ва чалкашликлар бор. Масалан, Ҳуснутдин Асомов, Ҳабиб Абдуллаев, Аҳмад Дониш кўчалари номи лотин имлосида юмшоқ «Н» ўрнига қаттиқ «Х» ҳарфи билан ёзилган. Бу кимнинг айби? Буюртмачинингми ёки ижрочинингми?

Ўзимизнинг энг машҳур кишиларимиз исмини тўғри ёза билмасак, бошқалар биз тўғримизда нима деб ўйлаши мумкин?

**Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ**

*Ихчам тақриз*




## МУСАВВИРНИНГ ИБРАТЛИ ҲАЁТИ

Яқинда санъатшунос олим Абдували Эгамбердиевнинг мусаввир Алишер Мирзаев ҳаёти ва ижодига бағишланган рисоласи китобхонлар қўлига тегди.

«Қатортол-Камолот» ишлаб чиқариш-нашриёт корхонаси томонидан чоп этилган мазкур китоб ўн боб ҳамда мусаввир асарларидан намуналар, республикамиз таниқли ижодкорларининг мусаввир ҳақидаги қайдларидан иборат. Муаллиф мусаввирнинг ҳаёти ва ижодига давр нуқтаи назаридан ёндошади, бу эса ўз навбатида рассом иқтидори шаклланишини босқичма-босқич кузатиш имконини яратади. Муаллиф рассомнинг болалиги ўтган маҳаллий шароит ва муҳитни тасвирлаш асносида унинг бўлажак асарларида бўй кўрсатган миллий хусусиятларнинг вужудга келиш куртакларини очиб беришга интилади.

Алишер Мирзаевнинг етук рассом бўлиб шаклланишида Бенков номидаги бадиий билим юрти, Москва тасвирий санъат олий мактаби ва устозларнинг беғараз кўмаги катта аҳамиятга эга. Айниқса, рассом ўз устозлари А. Перов, А. М. Урицкий, Д. Д. Жилинскийни меҳр билан эслайди.

Китоб муаллифи Алишер Мирзаев ва Шуҳрат Абдурашидов ўртасидаги дўстлик ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Ш.Абдурашидов ўзининг қисқа умри давомида тасвирий санъат соҳасида замондошларидан анча ўзиб кетган эди. А. Мирзаев ундаги иқтидор, бағрикенглик, дўстга садоқат, меҳр-оқибат каби хислатларни хотирлайди. Ш. Абдурашидов вафотидан кейин уч ой ичида мусаввир унинг кўргазмасини ташкил этганди.

Шунингдек, китобда мусаввирнинг таниқли санъаткор Ботир Зокиров, адиблар М. Осим, Ҳ. Қодирий, олим Ҳ. Сулаймон ҳақидаги хотиралари берилган.

Ўзбек ва рус классикларининг ҳамда замонавий шоир ва ёзувчиларнинг энг яхши асарлари А. Мирзаев ижодига катта таъсир кўрсатди. Айниқса, мусаввир учун Абдулла Қодирий асарлари илҳом манбаи булиб қолди. А. Қодирийнинг қаҳрамонлари А. Мирзаевнинг қаҳрамонларига айланди. Шунинг учун ҳам китоб саҳифаларида гоҳ Абдулла Қодирийнинг, гоҳ Отабек, Кумушбиби ва Зайнабнинг ўзбек китобхонларига таниш қиёфалари кўриниб қолади. Рассом ўзининг сеҳрли қалами билан гўё уларга қайтадан ҳаёт бағишлайди.

Мазкур китоб илмий-оммабоп рисола сифатида кенг китобхонларга таниқли рассом Алишер Мирзаевнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериш билан бирга, санъатшунос мутахассислар учун муҳим дарслик вазифасини ўтайди.

**Ҳамдам ИСМОИЛОВ, филология фанлари номзоди, доцент**

## Ишга таклиф этамиз



### Эълон

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририятига истеъдодли ижодкор ходимлар керак. Ойлик маош — 25-30 минг сўм атрофида (қалам ҳақи ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлардан ташқари). Алоҳида шартлар: шанба куни ишга келиш шарт эмас. Ойига кам деганда бир марта хизмат сафарида бўлади. Йилда бир марта хорижий мамлакатларга бориб келиш имконияти бор. Бундан ташқари, агар ходим ишга келса, таҳририят топшириқларини тўла ва сифатли бажарса, арзимаган нарсага бўйнини чўзавермаса йўлкира харажатларини (таксидан ташқари), уй ва электр энергияси тўловларини ишхона ўз зиммасига олади, овқат пули тўлайди.

Ишга жойлашишни хоҳлаганлар 6 та 3х4, олтита 6х9 ва иккита 48х96 размерли рангли суратлари, аввалги ҲАММА ишхоналаридан батафсил тавсиянома, маҳалладан иккита кафил, солиқчилар билан ора очиқлиги хусусида далолатнома ва сўнгги икки йил ичида эълон қилган мақолаларининг асл нусхалари билан таҳририятимизга 133-52-91 рақамли телефон орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Эълон ўқилган пайтдан бошлаб кучга киради ва анча вақт ўз кучини сақлаб қолади.

**«ЎзАС» маъмурияти**

4-бет

*Тарих ва тақдир*

# ОТАМДАН ҚОЛГАН МЕРОС

Бошқалар учун қандайлигини билмадиму менга отамдан қолган меросни сақлашим учун ёзув столимнинг бир ғаладони кифоя. Отам муаллим, журналист, ёзувчи ва дипломат Саид Аҳрорий 1930 йилда бедарак йўқолиб, онам Вазирахон Саидали қизи йигирма беш ёшида тўрт гўдак билан бева қолган чоғида, Самарқанд шаҳрида Маҳмуд Хоразмий кўчасидаги 4-ҳовлида — бировнинг хонадонида ижарада турардик.

Онамнинг акаси — катта тоғам Саидакбар Саидали ўғли синглисини тўрт фарзанди билан Самарқанддан Тошкентга — Ҳовузбоғ маҳалласидаги ҳовлисига кўчириб келган. Бувим Ойтўрахон отин бизни иссиқ бағрига олган. Бобом, бувим, тоғаларим, холам бизни аллада азиз қилиб, қанчалар бошга кўтаришмасин, суйиб эркалашмасин, отанинг ўрни бошқа — унинг ўрни ҳар лаҳзада сезилиб турарди. Гўдак онгинг билан ҳам бу хонадон сеники эмаслигини, сиғинди эканлигингни ҳис этиш мурғак қалбинг учун зил юк. Бизнинг болалик чоғимизда Хадрада кашкулларини осиб олиб, ҳайқириб юрадиган маддоҳларнинг:

**Отаси бор, онаси бор,**
**Бозор бошида ўйнайди...**
**Отаси йўқ, онаси йўқ,**
**Мозор бошида йиғлайди, —**

деганларини эшитганимда худди мен ҳақимда айтилаётгандек юрагим эзилар, селоб кўз ёшлар юзларимни ювarди. Ўксиб-ўксиб йиғлаб олгач, бувим Ойтўрахон отиннинг насиҳатларини эслардим-да, ўзимни тутиб шу куним учун ҳам Худога беадад шукур қилардим. Аввало, шунга шукур қилар эдим-ки, менинг бошимда онам бор... Лекин шу он яна кўз ёшлар бўғзимдан оларди. Ахир отам бедарак йўқолган — ўлик-тириклари номаълум — изларини излаб борсак қабри ҳам йўқ... Мен шўрликка отам мозори бошида йиғлаш ҳам насиб этмаган...

Орадан олтмиш йил ўтгач, отамнинг фожеали тақдиридан хабар топдим. Менинг отам Саид Аҳрорий йигирманчи йиллардан бошлаб Туркистон мустақиллиги учун курашган «Миллий истиқлол» жамияти аъзолари қаторида 1930 йилда ҳибсга олиниб, отиб юборилган экан...

Самарқанддан Тошкентга кўчган чоғимизда асосий юкларимиз қатор-қатор чой яшикларидаги китоб ва журналлар эди. Ҳали гўдаклигимиздаёқ уйда ҳеч ким йўқлигида шу журналларнинг суратини томоша қилиб кунни кеч қилардик, кейинчалик эса ундаги шеър ва ҳикояларни ўқийдиган бўлдик. «Ер юзи»,»Маориф ва ўқитувчи», «Машраб», «Аланга», «Маориф ва маданият» журналлари. Бу журналлардан мен дадам ёзган шеърларни топиб ўқирдим. Бора-бора бу бойликларимизнинг баракаси учди. 1937 йилга келиб у журналлар қайгадир йўқ бўлди — яшиклар бўшаб қолди. Лекин ҳали ҳам бўлса ўқишга нарса топилади. Етимликнинг аламларини фақат етим бўлгангина билади. Отамни соғиниб, ўзимни қўярга жой тополмай қолганимда чой яшигини кавлаштириб дадамдан қолган қўлёзмалар, қораламалар ва журналларни кўздан кечиришга тушардим. Яна.. Дадамдан қолган аллақанча суратлар бўлгувчи эди. Тошкентда, Бухорода, Бокуда, Самарқандда олинган. Лекин у суратларнинг кўплари 1937 йилларда йўқ бўлиб кетди. Бизга яхшилик тилаган яқинларимиз у суратларни йўқ қилиб юборишди, журналлардаги кимларнингдир бетларига чизиқ тортишди, у ҳам камлик қилгандай чаплаб бўяб ташлашди...

Бир куни кўчамиз бошига етганимизда бизни маҳалла қариялари тўхтатишади.

Акбар қассобнинг девори нураб кўчага қўшилиб кетган майдонида деворга тираб устма-уст ётқизиб қўйилган хариларга қатор тизилиб ўтириб олган қариялар бизни ёнларига чақириб олишади-да, қўлимизга газета тутқазишади. Улар биздан СССР Бош прокурори Вишинский билан Акмал Икромов ўртасидаги — терговдаги савол-жавобларни ўқиб беришимизни сўрашади. Алифбо ўзгариб, эски ўзбек алифбосидан лотинчага ўтилгани туфайли уларнинг ҳаммалари бирваракай саводсиз бўлиб қолганлари сабабли газета ўқишга тишлари ўтмай қолганини кейинчалик англайман. Биз ўқиётган нарсамизнинг маъносини яхши англаб етмаганимиз ҳолда шариллатиб ўқиб ташлаймиз.

Ҳар куни шу аҳвол. Қариялар қўлда газета билан бизни кутишади. Биз ўқиймиз.

Маҳалламиз кексаларининг ўзаро гапларидан мамлакатда қандайдир бир даҳшатли воқеа юз бераётганини ҳис этгандай бўламиз. Лекин у нима, ақлимиз етмайди. Ўша бўлиб ўтган воқеаларнинг асл моҳиятини англаб етмоқ учун узундан-узун бир умр кетишини хаёлга келтирмаймиз.

Вақт шундай қалтис эдики, одамлар уйида китоб сақлашга қўрқишарди. Қон-қариндошлар, қўни-қўшнилар бизга яхшилик қилиш учун уйдаги китобларни назоратдан ўтказиб беришар, саҳифаларини йиртиб, суратлар устига чизиқ тортишарди...

Шундай қилиб, қўрқув салтанатида яшаганимиз туфайли дадамдан қолган мерос йиртилди, ёқилди, кули кўкка совурилди.

Аммо... Аммо, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, деганларидек ўша қатағонлик йилларидан нималардир омон чиқди. Дадамдан қолган ўша қўлёзма ва суратлар бир ғаладоннигина эгаллайди.

Дадамни соғиниб дийдорини кўргим келганда ғаладонни очиб, ундаги нарсаларни бир-бир кўздан кечираман, шеърларни, мақолаларини ўқийман, ёдлайман, мағзини чақаман.

Мана, бу суратда онам Вазирахон келинлик чоғларида 1919 йилда, Ўқчи маҳалласидаги «Ватан» мактаби ҳовлисида дадам Саид Аҳрорий билан бирга тушган. Дадамнинг эгнидаги либосни кўриб ҳайрон бўлганимда, онам менга: — «Даданг «Ватан» мактабида тил-адабиёт, Ватан тарихидан дарс берса-да, ҳарбий дарс ўтишга мутахассис топилмагач, талабалар билан ўзлари машқ ўтказарди. Даданг ҳарбий машқни тугатиб, танаффусга чиққан пайтларида тушганмиз бу суратга. Ўзимиз ҳам шу мактаб биносида яшар эдик», — деб тушунтирган. Ҳужжатлардан билишимча, отам Саид Аҳрорий: — «Ҳар бир турк фарзанди ботир бўлиши, ҳарбни билиши керак. Ҳеч бир давлат армиясиз яшай олмайди», — дер экан талабаларга.

Иккинчи суратда отам замондошлари — фикрдошлари билан. Суратда (чапдан ўнгга) Садриддин Айний, Шокиржон Раҳимий, Раҳим Иноғомов, Давлат Ризаев, шоир Фитрат, Абдувоҳид Бурхон, Абдулла Алавий, Ғози Юнус, Зуфар Носирий, Маҳмуд Субаев, Элбек, Вадуд Маҳмудий, Қаюм Рамазон билан 1926 йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида тушган. Буларнинг бари халқимизнинг маърифатпарвар ўғлонлари. Минг афсуски, шу суратдаги ўн тўрт маърифатпарвар зиёлидан тўққиз нафари қатағон қилинди, уларнинг қисмати фожеали якунланди. СССР деб номланган тоталитар давлат тузуми улар бўйнига «халқ душмани» деган тавқи лаънат осиб, ўн гулидан бири очилмай дорул фанога жўнатди...

Онам Вазирахон Саидали қизининг бир сурати неча-неча йиллардан бери хонам тўрида. Бу суратнинг ҳам қўлимга тушишини ўз тарихи бор.

Бундан эллик йиллар муқаддам Ҳамза театрида бўлганимда мени шу театр артисти Шокир Нажмитдинов тўхтатди-да, кимнинг фарзанди эканлигимни суриштирди. (У чоғларда бу театр қошида студия бўлиб, камина ўша ерда таҳсил олардим.

— Бир дўстимга ўхшатяпман. Ҳатто шахт қадам олишингиз ҳам ўша одамга ўхшайди. Кейин бошимни силаб эркалади. Қалин дўст эдик отангиз билан. Менга ҳатто онангиз Вазирахонимнинг суратини туҳфа ҳам қилган, — деди.

Унчалик ишонмадим. Лекин Шокир оға менга онам суратини келтириб беришга ваъда қилди. Шу суратда онам газета ўқиб ўтирибди. Айни шу йигирма беш ёшларида онагинам Вазирахон тўрт гўдак билан бева қолган. Умр бўйи меҳнат билан, ҳадик билан, азоб билан ўтди. Яшади дейишга тилим бормайди. Азобда ўтди. Бу ҳам ўша тоталитар тузум бошимизга солган азоб-уқубатларнинг бир шингили эди. Онам каби бир этак боласи билан 25—30 ёшида бева қолганларнинг ҳисобига ҳеч ким етмаган. Етиб бўлармикан?!

Эътиборингизни яна бир суратга қаратмоқчиман. Орқасига лотин ҳарфлари билан «Izchlar to'dasi» деб ёзилган бу сурат 1919 йилда Тошкент шаҳрида олинган. Онамдан эшитиб билишимча, бу 1919 йилда очилган «Ватан» мактаби ҳузурида ташкил этилган кашшофлар уюшмаси. Бу уюшма ҳақида ҳеч ерда ҳеч қандай маълумот йўқ. «Ўзбекистон Энциклопедияси»да ҳам бир оғиз тушунтирилмаган. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки бунга йўл қўйилмаган. Аввалига мен «Изчи» сўзини «Ишчи» бўлса керак, адаш ёзилгандир, деб ўйлар эдим. Лекин кейинчалик ҳужжатгоҳлардаги ҳужжатларни ўрганганимда баъзи маълумотларга дуч келдим.

«Изчилар тўдаси» «Миллий Иттиҳод»га кўмакдош бўлган, миллий озодлик ҳаракатларининг ниятларига йўлдош бўлган. Ёшлар қалбида Ватан деган тушунчани ундирган, уларни Ватанни озод кўриш мафкурасида тарбиялаган. «Миллий Иттиҳод» Туркистонни мустақилликка олиб чиқишга интилган, бу йўлда кураш олиб борган бўлса, «Изчилар тўдаси» мустақилликни ўз қўлига олган Туркистон учун онгли, билимдон ёш кучларни етиштиришни ўз зиммасига олган. Давлат Сиёсий бошқармаси унга «Миллий Истиқлол»нинг ошкора бўлинмаси деб қараган. Уюшма келажак авлоднинг мукаммал бўлиб етишмоғи, тоғни урса талқон қиладиган алпомишсифат ўғлонлар бўлиб камол топмоғи йўлида катта ишлар қилган. Эътиборингизни яна ўша суратга тортаман. Чап қанотада ўша изчи ёшлар. Яъни, янги ҳаётга йўл очувчи, янгича ҳаёт бошлаётган ёшлар. Улар қўлидаги кашшоф таёқлари (гимнастика ўтказишда асқотадиган ўқув қуроли) ва барабанлар. Ўнг қанотда жумҳуриятимизда илк духовой оркестр. Уюшманинг ўз дирижёри ҳам бор. Икки қанот оралиғида ўтирганлар. «Ватан» мактаби ва уюшма раҳбарлари. Улар орасида (ўртада) менинг отам Саид Аҳрорий (Саид афанди) ҳам бор.

«Аслида бу қандай уюшма?» — деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бу саволга тарих саҳифаларидан жавоб излаймиз. Собиқ Совет ҳукумати барча миллий жумҳуриятларни қаттиқ назорат остида тутган. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно бўлган эмас — миллий ташкилотлар фаолияти ҳақида тўпланган маълумотлар орасида «Изчилар тўдаси» уюшмаси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар бор. Унда кўрсатилишича: «Муҳаммад Саид (менинг отам), Абдуваҳоб Муродий, Фатҳулла Умарий, Мирносир, (бойнинг ўғли) Мирҳамидбой, Акмал Икромов, Аъзам Ёқубов ташаббуси билан 1918 йилнинг биринчи сентябрида «Ватан» мактаби биносида (Турк изчилар тўдаси) ташкил этилди.

Биринчи ташкилий мажлисда юқорида санаб ўтилган кишилар отряд президиумига кирдилар. Ташкилотнинг доимий раиси «Бошбуғ» қилиб Муҳаммад Саид сайланди. Абдуваҳоб Муродий муовин, Фатҳулла Умарий котиб, Мирҳамид Миршаропов хазинабон, Мирносир, Акмал Икромов ва Аъзам Ёқубий аъзо қилиб сайландилар. Тўда(отряд)нинг олдига қўйган мақсади: 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларга миллий байроқ остида илм бериш, улардан мутахассислар тайёрлаш, уларни жисмоний етук қилиб тарбиялашдан иборат бўлиб, илм олиш учун хорижга жўнатиш, санъатни ривожлантириш, адабиёт ва матбуотни миллий руҳда барпо этиш, ҳарбий ўқувни йўлга қўйиш ва охир-оқибатда Туркистон халқини миллий мустақиллик учун курашчи қилиб тарбиялашдан иборатдир...»

«Турон тўдаси», «Тўдалар тўдаси» каби бирин-кетин ташкил этилган уюшмаларнинг энг биринчиси бўлган «Изчилар тўдаси»нинг эл орасида довруғи достон бўлди. Унинг фаолияти билан қизиққан ташкилотларга чақув етказиб турган кимсанинг ёзишича: «Тўданинг моддий бойлиги аъзолик бадаллари, қўйган спектакллари, ўтказилган томоша кечалари, сайрлар ва лекциялардан тушадиган тушумлар ҳамда хайр-эҳсонлардан иборат» бўлган.

«Изчилар тўдаси» уюшмасида маънавиятга алоҳида аҳамият берилган. Бунга уюшма Бошбуғи (Раиси) Муҳаммад Саид Аҳрорийнинг 1919 йилнинг 17 октябри куни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга йўллаган мактубни мисол келтириш мумкин. Мана, ўша мактуб:

**«Адиби муҳарриримиз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий жанобларига!**

**Муҳтарам Афандим!**

**15 октябрда бўлғон умумий йиғилишимизда 1200 сўм маош ила «Изчилар тўдаси» ҳайъати таҳририясига қабул этилдингиз. Бундан сўнгра Сизни ҳақиқий бир изчи деб топувимиз ила баробар тўдамизнинг ҳайъат таҳририясидан деб биламиз. Тўдамизга пьесаларингиз бўлса берувингизни ўтинув ила баробар маънавий ёрдамингизга рижо этамиз.**

**Буюк эҳтиром ила...»**

Мактуб тубида Муҳаммад Саид имзоси.

Билишимча, уюшма қўйган спектакллар орасида Саид Аҳрорийнинг ҳам «Инқилоб» номли тўрт пардали драмаси бўлган. Лекин мен уни ҳали топганимча йўқ.

...Отамдан қолган мерос. Уни умр бўйи кўз қорачиғидай авайлаб-асраб келдим. Эндиликда улардан айримларини Сизларнинг диққатингизга ҳавола қилаётирман. Отам замондошлари ҳақида эшитган-билганларингиз бўлса, ёзиб юборинг. Истиқлол учун курашганлар ёддан кўтарилмаслиги керак. Заррама-зарра бўлса ҳам ўз тарихимизни тикламоқ зиммамиздаги бурчимиздир.

**Холида АҲРОРОВА**

---

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

# РЕПЕРТУАР — ТЕАТР ҚИЁФАСИ

Драматургия – театр санъатининг асоси. Театр репертуарида унинг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топади.

Репертуар танлаш ва тузишда театрларга эркинлик, мустақиллик берилгани, умуман, тўғри. Бироқ ҳар бир театр жамоаси ҳам ана шу эркинликдан ўринли фойдаландими, ҳамма гап ана шунда. Театрларимиз репертуари бирмунча саёзлашиб қолгани сир эмас. Бир-бирига яқин ва ўхшаш мавзулардаги асарлар театрлар саҳнасидан меъёридан ортиқ ўрин олгани, айрим профессионал драматургларимиз театрдан анча узоқлашиб қолгани ҳам.

Назаримда, репертуар яратиш вазифасини қисман бўлса-да, «Ўзбектеатр» ўз қўлига олиши лозим.

Иккинчидан, мамлакат театрлари репертуар режасини шакллантириш, муҳокама қилиш ва тасдиқлашда Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмаларининг фикрлари, хусусан, Ёзувчилар уюшмаси қошидаги драматургия кенгашининг фикр-мулоҳазаларини ҳам инобатга олиш лозим кўринади. Илгари худди шу тартибда бамаслаҳат иш тутиларди...

Беҳбудийдан бошланган ўзбек драматургияси хазинасида бу йил ҳам, келгуси асрда ҳам саҳналаштиришга арзийдиган асарлар топилади. Масалан, менингча Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» ёки «Сурмахон» пьесаларини қайта саҳналаштириш мумкин. Қолаверса, бу асрдошимиз таваллудига бу йил 90 йил тўлади.

Унутилаёзган драматургларимиздан яна бири марҳум Умаржон Исмоиловдир. Унинг «Рустам» пиесасини яна саҳналаштириш мумкин, деб ўйлайман. Шунингдек, Комил Яшиннинг «Нурхон», Туроб Тўланинг «Қизбулоқ» пьесалари ислом динини нотўғри талқин қилувчи кимсаларнинг асл қиёфасини очиб ташлашда қўл келиши мумкин. Лекин бу асарларни саҳналаштиришда режиссёрлар бугунги кун талабидан келиб чиқиб иш тутишлари зарур бўлади. Адабиётшунос Шуҳрат Ризаев тўплаб, нашр эттирган «Жадид драмаси» китобида шу бугун талабига жавоб берадиган асарлар бор. Театрларимиз репертуарини шакллантиришда ана шулардан ҳам фойдаланиш мумкин ва лозим.

Драматургиямиз хазинаси бой, бу бисотда ҳали-ҳануз ўз аҳамиятини сақлаб келаётган асарлар анча. Бунга қўшимча равишда жаҳон мумтоз драматургиясидан турли йиллар маҳорат билан ўзбекчалаштирилган кўпгина таржима асарлар ҳам бор. Назаримда, бир-бирига яқин ва ўхшаш, бир-бирини деярли такрорловчи жўн ва саёз, лекин яқинда ёзилган пьесалардан кўра классик меросдан сара асарларни бугунги талаб бўйича талқин қилиб саҳналаштирган маъқулроқ бўлса керак.

Тўғри, истиқлол замонамиз, шиддатли давримиз акс эттирилган янги драматик асарлар керак. Уларда бугунги ҳаётимиз, турмушдаги муаммоларимиз, орзу-умидларимиз, некбин ниятларимиз ўз ифодасини топиши зарур. Маълумки, ҳар бир даврнинг шу замонда яшаб, ижод этиб турган муаллифига ўзига хос талаби, мезони бўлади, албатта. Бугунги ижодкор учун биринчи ва асосий талаб истиқлол ғояларини чуқур ва кенг кўламда, жонли ва бетакрор бадиий образлар орқали тасвирлаш, шу орқали мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишдир. Тўғри, муҳим мавзуда қалам тебратиш, катта муаммолар ҳақида сўз юритиш дегани ҳали етарли эмас. Буларни маҳорат билан, саҳна талабларига жавоб берадиган тарзда ифодалаш керак.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов асарлари барча бунёдкор халқимиз қаторида биз адабиёт ва санъат аҳли учун ҳам муҳим дастур, йўлланма бўлиб хизмат этмоқда. Хусусан, ўтган йили чоп этилган «Маънавий юксалиш йўлидан» деб аталувчи китоб, ҳеч бир шубҳасиз, катта аҳамиятга моликдир. Муҳтарам Юртбошимиз минтақамизда ва бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорлик бўлиши, хотиржамлик кафолатланиши борасида қайта-қайта уқтириб келмоқдалар. Масалан, афғон можаросини тинчлик йўли билан, сиёсий мулоқотлар орқали бартараф этишга қаратилган «6+2» ташаббусини санъат ва адабиёт асарлари орқали, театрларимиз саҳналаридан туриб, бадиий тасвирлаб бериш ижодкор зиёлилар учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлса керак. Бу бизларнинг ҳам адиблик, ҳам фуқаролик бурчимиз, деб ўйлайман.

Ғоявий муҳолифларимизнинг асл башарасини кўрсатувчи саҳна асарлари яратиш борасида ҳам халқ олдида қарздормиз. Шўролар даврида руҳонийлар нуқул салбий образлар қилиб кўрсатилгани ҳаммамизга аён. Энди уларга бўлган қараш ўзгарган ва тўғри йўлга қўйилган. Ҳақиқий дин арбоблари ва ходимларининг образлари холис, ҳаққоний тасвирланган саҳна асарлари яратиш борасида ҳам қарздормиз.

Асримиз бошларида жадид зиёлилари тамал тошини қўйган, ўз анъаналарига эга, турли йилларда яратилган, замон синовларидан ўтиб келган, яхши асарлари ҳам бор ўзбек миллий драматургияси мавжуд. Бугунги вазифа уни янги ва юксак босқичга кўтаришдир. Мен бугунги кунда қалам тебратиб турган, илгари пьесалар ёзган ва ҳозир ҳам ёзаётган, анчадан буён пьеса ёзмай қўйган ҳамда сўнгги йиллари драматургияга дадил кириб келган барча қаламкашларнинг рўйхатини тузиб чиқдим. Барчаси 39 муаллиф экан. Бу катта ижодий куч. Театрлар ҳам, драматургларнинг ўзлари ҳам ижодий ҳамкорликни кучайтиришга баб-баравар интилишлари зарур кўринади.

---

*Премьера*

## ҚИСМАТ

Ўзбек киноижодкорлари яна бир янги фильмни томошабин ҳукмига ҳавола этишди. Иқтидорли кинооператор А. Исмоилов режиссёр А. Акбархўжаев билан ҳамкорликда кинодраматург Ж. Исҳоқовнинг «Учишга рухсат берилади» номли сценарийси асосида суратга олинган ушбу филм «Қисмат» деб аталади.

Филм собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон ҳудудида ўтказилган «пахта иши» туфайли тазйиққа учраган айрим юртдошларимизнинг ҳаётларида юз берган қийинчиликлар ҳақида ҳикоя қилади. Филм қаҳрамони Шерали Қурбонов 80-йилларда тақдирнинг қалтис ўйинларига дучор бўлади. Унинг отаси, катта лавозим эгаси бўлмиш Қурбон Қурбонов «пахта иши» оқибатидаги сохта айбловлар билан қуроланиб, азоб-уқубатларни бошдан кечиради. Унинг ўғли Шерали вазиятдан усталик билан фойдаланган «дўсти»нинг хиёнати туфайли бир неча йил давомида қамоқ азобини тортади. Шунда Шерали бу ёвуз тузум, «қизил сатанат» юзаки қараганда инсоний ҳисобланса-да, аммо одамларни хўрлаш ва ҳақоратлашга асосланганини англаб етади...

«Қисмат» филмидаги воқеалар бош қаҳрамоннинг хорижлик журналист аёлга интервью бераётган чоғидаги хотиралари асосига қурилган. Филм психологик драма жанрига хос ўткир сюжетли лавҳаларга бой.

Шерали ролини истеъдодли театр ва кино актёри Беҳзод Муҳаммадкаримов ижро этган. Филмда, шунингдек, Эркин Комилов, Шоҳида Исмоилова, Тамара Шокирова, Мирзабек Холмедов, Дилшодбек Каттабековлар ҳам иштирок этишган.

**Феруза НОДИРОВА**

---

# САНЪАТЛАР ГУЛТОЖИ

(Боши 1-бетда.)

куни тантанали суратда Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида очилган «Ҳумо» ёшлар театрларининг фестивали айни Халқаро театр куни муносабати билан ўтказилган тантаналарга тўғри келди. Фестивал 2 ой давом этиб, қатнашувчилар сафи яна ортади. Ҳозир эса бу тадбирда республикамизнинг Ёш томошабинлар театри «Боз – масхарабоз», Ўзбекистон Ёшлар театри «Умар Хайём юлдузи», «Гугурт кўтарган қиз» ҳамда «Томдаги скрипкачи», Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг ўқув театри «Туркистонлик табиб» спектакллари билан қатнашадилар.

Шунингдек, ушбу фестивалда бир нечта чет эллик театр жамоалари ҳам иштирок этмоқдалар. Жумладан, Германиядан Дрездендаги Болалар ва ёшлар театри, Россиядан Ярослав Ёш томошабинлар театри, Грузиядан Поти шаҳар Давлат драматик театрининг ёшлар гуруҳи ўз спектаклларини намойиш этадилар. Фестивалнинг очилишида эса Япониядан ташриф буюрган «Тойота-сити балет» труппаси иштирокида Чайковскийнинг «Шелкунчик» балети намойиш этилди.

Бу тадбирда фақат спектакллар намойиш этилмасдан, балки ўзаро тажриба алмашиш маъносида ижодий учрашувлар ҳам ўтказилади. Ўйлаймизки, бу каби тадбирлар театр санъати ходимлари учун ўзаро тажриба алмашиш, танишиш майдони бўлиб қолмасдан, балки томошабинлар учун ҳам дунёқарашини бойитишда, жаҳон санъати ва маданияти билан танишишда катта аҳамият касб этади.

Халқаро Театр куни муносабати билан ўтказилган тадбирда театр санъати соҳасидаги 1999 йил мукофотлари соҳиблари ҳам тақдирландилар.

«Йилнинг энг яхши спектакли» учта йўналиш бўйича аниқланди: драма, мусиқали театр ва болалар театри. Бу йўналишларда «АЛПОМИШНИНГ ҚАЙТИШИ» (Андижон вилоят Й.Охунбобоев номидаги мусиқали драма театри. У.Азим асари, реж. – В.Умаров), «КАМПИР ТОПАЙМИ, ДАДАЖОН?» (Фарғона вилоят Ю.Шакаржонов номидаги мусиқали драма театри. Х.Хурсандов асари, реж. – М.Юсупов), «ҚАНОТЛИ ОДАМЛАР» (Республика Қўғирчоқ театри. Н.Тўлахўжаев асари, реж. Б.Фармонов) спектакллари совриндор бўлди.

Қорақалпоғистон давлат Ёш томошабинлар театри режиссёри Бердибой ЎТИБОЕВ «Онажон» спектакли учун «Йилнинг энг яхши режиссёрлик иши»га бериладиган совринни олди.

Турғун АЗИЗОВ («Қирол Лир», Лир роли учун) ва Муҳаммадисо АБДУЛХАИРОВ («Боз – масхарабоз», Масхарабоз роли) «Йилнинг энг яхши эркак роли» учун ажратилган совринни олдилар.

«Йилнинг энг яхши аёл роли» соврини Турсуной РЎЗИЕВАга (Андижон вилоят ёшлар театри) топширилди.

Усмон АЗИМ «Алпомишнинг қайтиши» асари учун йилнинг энг яхши драматурги сифатида қайд этилди.

Дмитрий ЯНОВ-ЯНОВСКИЙ «Ато этилган муҳаббат» спектакли мусиқаси учун «Йилнинг энг яхши бастакори» бўлди.

Бобур ИСМОИЛОВ «Йилнинг энг яхши саҳна мусаввири», Муҳаббат ТЎЛАХЎЖАЕВА «Йилнинг энг фаол театр танқидчиси», Зулайҳо СОБИТОВА ва Гулчеҳра ҚЎЛДОШЕВА «Йилнинг энг фаол оммавий ахборот ходими», Азиза КАРИМОВА «Йилнинг энг яхши эпизодик роли ижрочиси», Сайёра МАМАДАЛИЕВА «Энг умидли актёр», Севара ЗУННУНОВА «Энг яхши саҳна либослари мусаввири», Галина КОВАЛЁВА «Энг яхши пардозчи-визажист» совринларини қўлга киритдилар.

Самарқанд вилоят Ҳамид Олимжон номидаги театр директори Шерзод МУҲАММАДИЕВ «Энг яхши тадбиркор театр раҳбари» сифатида тақдирланди. Шунингдек, Туреш ОЛЛОНАЗАРОВ, Онахон ТОЖИБОЕВА, Яҳёхон МАМАТХОНОВ ва Виктор ЛИГАЙ каби театр намояндалари шу соҳанинг фидойи инсонлари сифатида «Театр санъатига бахшида умр» совринига сазовор бўлдилар.

**Г. УМАРОВА**

---

# ДУНЁНИ КЎП КЕЗГАНМАН, АММО...

## Инглиз олимасининг эътирофлари

Мустақиллик шарофати билан миллий санъатимиз жаҳонга юз тутиб, санъаткорларимиз ер юзининг турли мамлакатларида ўз санъатларини намойиш этмоқдалар. Айни пайтда улар ўша мамлакатлардаги санъат муассасалари ва санъатшунос мутахассисларнинг ҳам эътиборини қозонмоқдалар. Ана шундай санъат масканларидан бири Буюк Британия пойтахтидаги Хорниман музейидир. Бу музей англиялик созандалар ва ўзга юртлик мусиқа шинавандалари томонидан эҳтиром билан «Зи мюзик рум» (Мусиқа уйи) деб юритилади. Хорниман музейининг директори жаноб Дэвид Бостоннинг айтишича, мусиқа деган мўъжизани қалбдан севувчи инсонлар учун табаррук қадамжо ҳисобланмиш «Мусиқа уйи»нинг асосчиси лондонлик чойфуруш бойнинг ўғли Фредерих Жон Хорнимандир. Ниҳоятда ғайратли бу одам меҳнат фаолияти давомида оддий хизматчидан раис даражасига кўтарила олган. Фредерих Хорниман меҳнатсеварлиги билан бирга, ниҳоятда саховатли инсон эди. Ўз вақтида у кўплаб мактаблар ва черковлар қурилишига мунтазам моддий ёрдамлар кўрсатиб келган. Фредерих Хорниманнинг яна бир ноёб фазилати унинг турли халқларга мансуб ноёб ашёларни ўта қизиқувчанлик билан тўплаши эди. Унинг завқ билан тўплаган ва меҳр билан сақлаган ашёлари ичида дунёдаги турли халқларнинг чолғу асбоблари асосий ўринни эгаллайди.

1888 йили Фредерих Хорниман тўплаган осори атиқаларни ўз уйида илк бор жамоатчиликка намойиш қилди. Ва Фредерих Хорниманнинг уйи тўпланган ашёлар учун торлик қилиб қолганини кўрсатди. Шундан кейин меъмор Чарлз Харрисон Тоунсендга ҳозирда мавжуд музей биносини лойиҳалашни топширди. Қурилиш 1901 йили якунланди ва шу йилиёқ Лондон шаҳар кенгаши ихтиёрига ўтказилди. Чунки анча кексайиб қолган Фредерих Хорниман ўзи қурдирган бу бинони ичидаги барча жиҳозлари ва ёнидаги боғи билан бирга «жамоат учун ҳамишаликка эркин (бепул) музей сифатида» бахшида қилди.

Шу тариқа, саховатпеша Фредерих Хорниманнинг шахсий уйи ва бу уйдаги барча осори атиқалар «Зи Хорниман мюзэм гарденз» (Хорниман музейи ва боғлари) деган расмий ном олди.

Мана, деярли бир асрдирки, музей муваффақият билан фаолият кўрсатиб келмоқда. Дунёда чолғу асбобларини намойиш қилувчи музейлар кўп. Аммо ҳеч бир музей уларни Хорниман музейи каби ҳар томонлама ва жонли анъаналарда намойиш эта олмайди. Мусиқа асбобларига бўлган бундай муносабат музей хазинасининг йилдан-йилга бойиб боришига сабаб бўлмоқда. Ўзининг илк фаолиятини Фредерих Хорниман берган икки юзга яқин чолғу асбоблари билан бошлаган музейда ҳозирга келиб чолғу асбобларининг сони олти мингдан ошиб кетди. Эътиборлиси шундаки, бу улкан ва ноёб хазинанинг асосий қисмини саховатпеша инсонларнинг холисона ҳадя қилган чолғу асбоблари ташкил этади. Яна бир муҳим жиҳати, Хорниман музейидаги жамики мусиқа асбоблари чалинадиган ҳолатда. Бу, албатта, музейдаги чолғу асбобларини қўлга олиб чала бериш мумкин, деган сўз эмас. Зотан, Хорниман музейида чолғу асбобларига аввало, мусиқий овозни ҳосил қилувчи соз сифатида қаралади. Ўзбек созанда ва хонандаларининг Лондонга қилган бир неча муваффақиятли сафарлари Хорниман музейи ходимларининг ҳам эътиборини тортди ва ўтган йили музей хазинабони Маргарет Берли хоним Лондонда истиқомат қилувчи олима, Оврупо тилларининг билимдони, ўзбек аёли Розия хоним Султонова ҳамроҳлигида диёримизга ташриф буюрди.

Маргарет хоним етук мусиқашунос бўлиш билан бирга, бир неча хорижий тилларни мукаммал эгаллаган. Диёримизга сафари олдидан турк ва рус тилларини фикр алмаша оладиган даражада ўрганган. Ниҳоятда камтарин ва камсуқум Маргарет хоним деярли бир ой мобайнида Фарғона водийси, Қашқадарё ва Сурхон воҳасини айланиб чиқди. У боболаримиз қўли билан бино қилинган Қўқон ва Шаҳрисабз меъморий ёдгорликларини кўриб, ғоят таъсирланди ва Бойсуннинг тенгсиз манзараларидан завқланди. Сафар чоғида у созандалар, созгар усталар билан учрашди ва кўплаб миллий чолғу асбобларини тўплади. Булар орасида карнайдан тортиб, чанқовузгача бор.

Тошкент шаҳрида у машҳур созанда Турғун Алиматов хонадонида бўлиб, ундан бир неча танбур, дутор ва сато куйларини ёзиб олди. Шунингдек, Маргарет хоним машҳур созгар Уста Усмон Зуфаров хонадонига ташриф буюриб, унинг ўғиллари ва набиралари билан учрашди, дутор ва танбур жўрлигида айтилган бир неча қўшиқларни ёзиб олди.

Маргарет хоним Англияга қайтар экан, Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларини шундай баён қилди:

— Ишим юзасидан кўп юртларни кезганман. Ўзбекистондай сахий халқ дунёда йўқ. Мени ҳайрон қолдирган нарса шу бўлдики, ўзбек халқи юз йиллар давомида ўзгалар қарамоғида бўлишига қарамай, ўз миллий мусиқа маданияти,чолғу асбоблари, уларнинг ясалиши ва чалинишига оид қадимий анъаналарни тўлиқ сақлаб қола олган. Бу ҳайратланарли матонатдир. Ваҳоланки, дунёда бир муддатда ўз миллий маданиятини буткул йўқотган халқлар бор. Ўзбек халқининг бу матонатини жаҳон мусиқа жамоатчилигининг ўзига хос омади ҳам дейиш мумкин. Чунки ҳозирда ўзбек созандалари қўлидаги чолғу асбобларининг аксарияти минг йиллик тарихий масофаларни ўзгаришсиз босиб ўтган. Масалан, биргина танбурни оладиган бўлсак, у ўн аср аввал қандай садо берган бўлса, бугун ҳам айнан шундай янграмоқда. Ноғора, карнай ва сурнайлар эса худди Амир Темур даврида чалинаётгандек! Биз мусиқашунослар бу чолғу асбобларини ўрганиш орқали ўзбек халқининг узоқ ўтмишдаги юксак маданияти ва чуқур маънавиятига нигоҳ ташлашимиз мумкин.

Аммо ҳозирги тўйларда эрталаб ҳақиқий ўзбек мусиқаси ва ашулалари ижро этилаётган бўлса, кечқурун ўз ўрнини миллий санъатдан йироқ аллақандай гуруҳларга бўшатиб бераётганининг шоҳиди бўлдик. Ахир, уларнинг мусиқаси беўхшов тақлиднинг айни ўзи-ку! Шуни унутмаслик керакки, тақлид ҳеч қачон тараққиётга олиб бормайди. Лекин, шунга қарамай, мен ўзбек миллий мусиқасининг мафтуни бўлиб қолдим. Ўзбекистонга яна келаман, чунки Хорниман музейида ўзбек миллий чолғу асбоблари учун махсус бўлим очмоқчиман. Бу бўлим 2002 йилга тайёр бўлади. Шундан кейин бизнинг мусиқа мавсумларимизда ўзбек чолғулари ҳам чалинади.

Маргарет хоним Англияга жўнаб кетди. У билан бирга бир тўп чолғу асбобларимиз ҳам Англия томон йўл олдилар.

**Тўхтамурод ЗУФАРОВ,**
**филология фанлари номзоди**

